

“Мустақиллик” маҳалласи йўллари асфальтланди



Айни кунларда тумандаги кўплаб маҳаллаларнинг ички йўлларида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Кўплаб ноқулайликлар туғдираётган чанг ва лой, нотекис йўллар таъмирланиб, аҳоли учун қулай ва равон йўлларга айлантирилмоқда.

Жумладан, туманнинг 1-сектор ҳудудида жойлашган “Мустақиллик” маҳалласидаги 700 метр масофадаги ички йўлга асфальт ётқизиш ишлари қизғин суръатларда олиб борилди.

Бу каби хайрли ишларда маҳалла аҳли ҳам фаол иштирок этиб, йўлсозлар ишида яқин кўмакчи бўлишмоқда.